



# Янги уйлар муборак



Хамза туманининг Фаргона йўли кўчасида 2-3 ва 4 хоналардан иборат бўлган тўққиз қаватли уй қуриб битказилиб, тўқсонга яқин бахтли оилаларни ўз бағрига олди. Хоналари шинам, кўркам ва ўзбекна архитектурасига эга бўлган бу уйлар яшовчиларга бирдек маъқул бўлди.

Худди шу уйнинг ёнига биринчи бинони сифатли қилиб битказди. — Кўриб турганингиздек уйларнинг ташқи кўриниши, атрофи жуда чиройли кўринишга эга бўлиши билан бирга, тоза, озода, обдонлаштириш ишлари ҳам ўз ўрнида бажарилинган, — деди шу уйда яшовчи Нормат Хошимов. — Газ, иссиқ ва совуқ сув ўз вақтида келиб турибди. Хоналарнинг жойлашishi тартиби ҳам биз-



## Касбимдан фахрланаман

Кобилжон ҒАҒУРОВ, «Тошметроқурилиш» трести 2-қурилиш-монтаж бошқармаси бригада бошлиғи, «Меҳнат шухрати» ордени соҳиби:


«Меҳнат қилган элда азиз», дейди халқимиз. Мустақиллик йилларида бу иборанинг аниқ исботини кўриб турибмиз. Кўп йиллардан буён қурилишда меҳнат қилаётган бўлсам, бажарган ишларим натижаси шу йилларда юзага чиқди. Республикаимиз Мустақиллигининг 10 йиллиги байрами муносабати билан «Меҳнат шухрати» орденига сазовор бўлдим. Бу, албатта қалбимда ўз касбимга меҳр, фахрлини туйғусини жўш урдириди. Бир неча йилларки, Тошкент ер ости қасрининг учинчи «Юнусобод» йўнали-

ши биринчи навбати қурилишида бригада аъзолари билан фаол иштирок этди ва ушунга муваффақиятли амалга оширишнинг ўзига яраша машаққатлари бор. Лекин куч-ғайратта тўла метросозларимиз бор маҳоратларини ишга солиб ўз вазифаларини сийдиқилдан худдаладилар. Биз қурган янги йўналишнинг яна олтинта бекатида йўловчиларга хизмат кўрсатиши ҳамшаҳарларимиз дилини қанчалик хушнуд этса, метро бунёдкорларининг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшилиши, шубҳасиз.

мебелларни қопловчи-пардозловчи, интерьерлар лойиҳачиси, реклама ва курғазма-ташвиқот дизайнери, қозон қурилмаларини ишлатиш бўйича оператор, уларни таъмирловчи уста ва электргазлайвандчи мутахассисларни тайёрлашга алоҳида аҳамият бераялдим. Шунингдек, 11-синф негизда пуллик шартнома асосида қулуғчи ва ишлаб чиқаришдан ажралмаган (сиртқи) шаклда таъминоти тизими ускуналаридан фойдаланиш; бино, иншоотларни қуриш ва улардан фойдаланиш; бухгалтерия ҳисоби, назорат ва ҳужалик фаолиятининг таҳлили; ҳалқ ҳўжалиги тармоқларида иқтисод ва режалаштириш; архитектура; боғ ва паркларни кўкаламзорлаштириш ҳўжалиги йўналишларида ҳам мутахассислар тайёрланмоқда. Коллежимизда таълим ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Бу ерда талабаларга нафақат юқори сифатли билим бериш, балки уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш учун ҳам кенг шартнолар мавжуд. Буни коллеждаги футбол, волейбол, баскетбол майдончалари, теннис корти ва сув ҳавзаларига қараб туриб ҳам билиб олиш мумкин. Бир сўз билан айтганда, бўлажак бунёдкорларни етиштириб бераётган Тошкент қурилиш-коммунал касб-хўнароқ коллежи амалга оширилётган ислохотларга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

Ботиржон ҒОҒУРОВ

# БҮНЁДКОР



Президентимизнинг Фармонига кўра Мустақиллигимизнинг кўтлуг 10 йиллиги арафасида мукофотланганлар қаторида «159-трест» ҳиссадорлик жамиятига қарашли 53-қурилиш бошқармаси бригада бошлиғи Хамит Қаюмовнинг ҳам борлиги жамоа ахлини қувонтирди. Юксак мукофот — «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи» унвонини олишга сазовор бўлган бунёдкор қалби эса бир олам шодликка тўлди, қилган меҳнатларининг бехис самарасидан кўнгли тоғдек кўтарилди.

## НИШОНДОРЛАРИМИЗ

# Меҳнат келтирган бахт

Хамит Қаюмов қурувчилик касбига астойдил меҳр боғлаганида 25 ёшли навқирон йигит эди. Мана 26 йилдирки шу қурилиш ташкилотидида ўсиб, хурмат-эътибор қозонди. Йиллар давомида катталар ўғитига амал қилиб, хўнар сирларини эримай ўрганган бунёдкор бугунги кунда ўзи ўнлаб шогирдларнинг устози, яқин маслаҳатчиси.

— Дўстларимнинг табригини қабул қилар эканман, — дейди Хамит Қаюмов биз билан суҳбатда. — Ўтган йилларда, айниқса Мустақиллик даврида бунёд этган иншоотларимиз кўз ўнгимда гавдаланди: Олий Мажлис биноси, Уйғур кўчасидаги замонавий касб-хўнароқ коллежи, Хўршид кўчасидаги янги лицей биноси, мактаб, боғча, касалхоналар... Уларни санаб адо этиш қийин. Ана шуларни ўйлаб, агарда чинакамига меҳр билан ишласанг, астойдил тер тўқсанг, меҳнатинг, албатта мевасини беришига амин бўлдим. Энг муҳими, нафақат мана, балки жамоамизга берилган ушбу мукофот мени янада ғайрат билан ишлашга руҳлантирди, эл-юртим фаровонлиги, бахт-саодати йўлида ўз ҳиссамини кўпроқ қўшишга ундади.

Хар бир хўнароқнинг ўз завқию машаққати бўлиши, шубҳасиз. Машаққатни енгсангиз унинг завқини ротишга ҳам муяссар бўласан. Сувоқчилик ҳам худди шундай: юмушини текис, равон, сифатли бажарсанг, эртага бошқа пардозчиларнинг ишидан кўнглинг яйрайди. Ахир уларга сувоқчи пухта замин яратди-да. Хамит Қаюмовнинг сувоқчилар бригадаси ўз ишига пухта, сифатга алоҳида эътибор қаратганлиги боис ҳам уларга энг маъсулятлиги ўчаклар топширилади. Бригада сардорининг шогирдлари Шўҳрат Тўхтабоев, Абдурасул Обидов, Убайдулла Тўхтабоевлар хар бир ишни устозларидан ўрнак олиб бажаришади.

Чиндан ҳам халқимизда «Режал иш — тежоглик», деган ибора ўз ўрнида айтилган. Хамит ака раҳбарлик қилаётган бригадада ҳам бунга алоҳида эътибор қаратилиб, хар кунги иш олдидан вазифалар аниқ белгиланади, ва смена сўнггида назорат қилинади. Бригадирнинг талабчанлиги ва сувоқчиларнинг ўзаро ҳамжиҳатлиги ишдаги сифат ва самарадорлиқнинг асосий омилдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Хамит Қаюмов ҳам-касблари билан ҳамиша фахрланади ва уларнинг ишлари ва тажрибаларига хўрмат билан қарайди. Шунинг учун бўлса керак бошқарманинг Шўҳрат Мўминов ҳамда Ғофур Исмоиловлар бошлик сувоқчилар бригадалари аъзолари билан ҳамкорликда, бир-биридан ўрганиб, кези келганда ўргатиб меҳнат қилишади.

Айни кўнларда Хамит Қаюмов етакчилик қилаётган сувоқчилар бригадаси йигитлари пойтахтимизда бунёд этилаётган М.Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси биноси қурилишида ўз вазифаларини ниҳоясига етказишмоқда. Кейин эса улар Чилонзордаги Тошкент метрополитени коллежи қурилишига овландилар.

— Меҳнатимизнинг баҳосини одамлар беради, — дейди илгор қурувчи, шу боис ҳам энг муҳими уларнинг дидига мос, замон талабларига хос бинолар қурилишида қатнашаётганидан фахрланаман. Меҳнат келтирган бахт эса фақат эзгу ниятлар сари ундайди. Пойтахтни яшатишга ҳисса қўшишнинг ўзи ҳам касбини ардоқлаган, унга меҳр қўйган бунёдкор учун юксак бахтидир.

Шарофат БАХРОМОВА

## Тошкент қурилиш коммунал касб-хўнароқ коллежида 493 нафар бўлажак бунёдкор замонавий қурувчилик соҳасининг турли йўналишлари бўйича тахсил олмақда.

— Коллежимизда компютерлаштирилган, махсус техник воситалар билан жиҳозланган ўқув хоналари, дингафон хоналари, 50 минг китоб фондига эга бўлган кутубхона мавжуд, — деди коллеж раҳбари Аббос Хўжаев. — Талабаларимизга Канада, Корей Республикаси, Эстония каби мамлакатларда маляка ошириб, тажриба олдириб келган етук ўқитувчилардан ташқари, шартнома асосида архитектура ва қурилиш, молия институтлари, иқтисодиёт, педагогика университетларининг тажрибали домалари ҳам билим бермоқда.

— Аббос ака, мана бу йил 203 нафар қалдирғочларни ҳайта йўллабсангиз. Ушбу талабалар айнан мана шу коллежга танлаганидан мамнун бўлишга керак... — Албатта, умумий ўрта маълумот компютер саводхонлиги, чет тиллари ва ўз касб йўналиши бўйича мукамал билим олганлигини тасдиқловчи диплом олган битирувчилар бу ерда таълим олганидан хурсанд бўлса керак, деб ўйлайман. Шунингдек, ушбу «В» ва «С» тоифали автомобиль ҳайдовчиси гувоҳномаларига ҳам эга бўладилар. Коллеж

# Бу ерда бўлажак қурувчилар тайёрланади

бел, қозон қурилмалари, жиҳозлаш архитектураси соҳаси мутахассисларига талабинг кескин ортганига сабаб бўлмақда. Ана шу талабини қондириш учун қандай ишлар бажаришмоқда?

— Айнан мана шуни эътиборга олган ҳолда коллежимизда «Қурилиш-пардозлаш ишлари дизайнери», «Ёғочча ишлов бериш ва мебель ишлаб чиқариш мутахассислиги», «Интерьерлар ва жиҳозлар архитектураси», «Қозон қурилмаларини ишлатиш ва таъмирлаш бўйича мутахассис» йўналишлари ташкил этилган бўлиб, кошкор-бевақчи, мармар билан безаш устаси, дурадгор-мебельчи,

тайёрланмоқда. Коллежимизда таълим ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Бу ерда талабаларга нафақат юқори сифатли билим бериш, балки уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш учун ҳам кенг шартнолар мавжуд. Буни коллеждаги футбол, волейбол, баскетбол майдончалари, теннис корти ва сув ҳавзаларига қараб туриб ҳам билиб олиш мумкин. Бир сўз билан айтганда, бўлажак бунёдкорларни етиштириб бераётган Тошкент қурилиш-коммунал касб-хўнароқ коллежи амалга оширилётган ислохотларга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

Ботиржон ҒОҒУРОВ

Мамлакатимиз мустақиллиги давлатимиз иқтисодиётида туб бурилиш ясади. Бунинг ёркин мисолини «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» очик турдаги акционерлик жамияти фаолиятида кўриш мумкин. Корхона бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида қандай ишлаётгани ҳақида акционерлик жамияти бош директори Саидқабар АбЗАМОВ сўзлаб берди.

— Ўзбекистон ҳаётининг барча соҳаларида туб ислохотларнинг бозор шароитига ўтишининг бошланиш нуктаси бўлган мамлакатимиз мустақиллигидан сўнг бизнинг корхонамиз ўз фаолиятини ривожлантириш ва тақомиллаштириш учун ажойиб имкониятга эга бўлди. Биз нафақат ишлаб чиқариш ва иқтисодда, балки ижтимоий соҳада ҳам энг самарали ва илгор дастурларни ҳайта татбиқ этдик. Улар бизга алоқа хизматларини жаҳон стандартлари даражасига кўтариш имконини берди.

Дунёга машхур ишлаб чиқарувчилар, трансмиллий ва миллий операторлардан иборат хорижий шериклар билан ҳамкорликда шахримизда телефон тармоқларини ривожлантириш ва замонавийлаштириш бўйича йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Замонавий техника, янги рақамли технологиялар энг мукамал материаллар ва фойдаланишининг илгор тажрибасини жорий этишга устувор аҳамият берилмоқда.

Рақамларга мурожаат қилайлик: 1991 йили Тошкентда 382 мингта телефон аппарати ўрнатилган бўлиб, улардан 316 мингтаи хонадонларда эди. Телефонларнинг умумий ҳақми 425 минг рақамни ташкил қилганди, бирорта ҳам электрон станция йўқ эди, станцияларро йўналишларда эса фақат 42 мингта канал ишлатиларди. Тошкентликларнинг телефон ўрнатиш ҳақидаги 130 мингдан ортқ арзаси қондирилмай қолаётганди. Телефон станцияда эскирган тизимлар ишлатиларди. Тармоқда замонавий материаллар ва техника йўқ эди.

ички телефон тармоғини яратишимиз мумкин. Ходимлар бир-бири билан шаҳар телефонининг сўнгги учта рақамини териб боғлана олади.

Интеллектуал тармоқ хизматлари битта стандарт телефон линиясидаги битта телефон рақамига 8 та терминал — телефон, факс, компютер ва бошқаларни улаш имконини беради. Айни вақтда бу линиядан уч турдаги ахборот — нуғ, матн, ҳаракатдаги ва ҳаракатсиз видеотасвир жўнатиш ва қабул қилиш мумкин.

«Кўп маъноли номер» хизмати эса битта шаҳар телефонига эга офис имкониятларини кенгайтиради. Интеллектуал тармоқ кирувчи ва чикувчи алоқага эга 10 таргач виртуал шаҳар телефони яратади.

Агар корхона ёки абонент битта телефон рақамига бир вақтнинг ўзида 30 таргач кўнғироқ қабул қилишни истаса, «Серияли номер» хизматидан фойдаланиш мумкин. Компютер телефонияси ишлатилганда «Серияли номер» қўшимча хизматлар яратиши мумкин.

Бундан ташқари, биз абонентларга хорижий мамлакатлар, Самарқанд шаҳри билан телефон симлари орқали видеоалоқа ўрнатишни ташкил этишга ёрдам берамиз. Видеоконференция эса корхонамиз студиясида ҳам, офиснинг ўзида ҳам ўтказилиши мумкин. Шунингдек, биз абонентларимизга Интернетга улашиш хизматларини ҳам кўрсатамиз, бу одамлар ўртасида мулоқотнинг ўзига хос шаклларини яратади. Бу йил янги хизмат турларини кенгроқ жорий этишни режалаштирмоқдамиз. Бугунги кунда улардан электрон станцияларнинг 120 мингдан ортқ абонентлари фойдаланиш имкониятига эга.

— Бозор шароитига ўтишда мураккаб ҳолатда нафақат жаҳон стандарти даражасида хизмат кўрсатиш, балки юқори рентабелли корхона бўлишга нима ёрдам бермоқда?

— Ўтган йили хизматнинг асосий тури бўйича даромад 9 миллиард сўмдан ошди.

## АЛОҚА ХИЗМАТИ

# Муваффақиятлар — буюк келажак гарови



Сўнгги йилларда Германиянинг «Алкател» ва «Сименс» компаниялари, бошқа хорижий ҳамкорлар иштирокида рақамли электрон ускуналари билан жиҳозланган 7 та янги телефон станцияси қуриб, фойдаланишга топширилди. 8 таси қайта таъмирланди. 4 тасининг эса ҳажми кенгайтирилди. 21 та электрон станциянинг умумий қуввати 137 минг рақамни ташкил этади.

Станцияларда боғловчи тармоқларнинг сонини кўпайтириш мақсадида хорижий ускуналарда ишловчи радиореле линиялари ишга туширилди, шаҳардаги барча боғловчи ва рақамли телефон станцияларини минглаб тезкор каналлар билан улаган рақамли «транспорт ҳалқа-си» қурилди. Энди тармоқда 144, 1 мингта каналдан фойдаланилмоқда, улардан 122,5 мингтаси рақамли. Бу беш йил аввалгидан 2-3 баробар кўпдир.

Янги каналларни ишга тушириш асосий йўналишларда станцияларро боғлашни муаммосини ҳал этибгина қолмай, истиқболли ривожланиш ва ўн минглаб янги абонентлар талабини қондирди учун шароит яратди. Пойтахт телефон тармоғининг 530 минг рақам ҳажмига эга 71 та станциясида 510 мингдан ортқ телефондан фойдаланилмоқда. Бу 1996 йилдан 100 мингтага кўп демакдир. Янги телефон станциялари нафақат қўшимча рақамларни, балки бунгача абонентларимизга номьялум бўлган хизматлар кўрсатилишини ҳам аниқлатади.

— Саидқабар Абзамович, хонадонларда телефон етчимаслиги муаммоси қандай ечилмоқда?

— Хар қандай мамлакатда аҳоли турмуш даражасининг юқорилигини хонадон телефонлари тармоғининг ривожланишига қараб белгилаш мумкин. Жаҳон стандарти бўйича хар 100 та оилага 100 та телефон тўғри келиши керак. Тошкент оилаларининг 75 фоизи телефон билан таъминланган. Телефонларнинг зичлиги бўйича Тошкент МДХ мамлакатлари пойтахтлари ўртасида бешинчи ўринни эгаллайди. Табиийки, бу кўрсаткич мустақиллик йилларида ўсиб, бу даврда бизнинг корхонамиз Президент Исом Каримов томонидан юритилаётган сийсатга мос равишда оила, инсон манфаатларига устувор аҳамият бермоқда.

Сўнгги 2-3 йилда биз 2 йил олдин ариза берган деярли барча фуқароларга телефон ўрнатиб бердик. Бирок, тошкентликларнинг телефон ўрнатиш ҳақидаги аризалари сонни қаймайяпти, демак нафақат телефон хизматларига талаб кучаймоқда, балки пойтахт аҳолисининг иқтисодий жиҳатдан энг замонавий хизматлар кўрсатувчи телефондан фойдаланиш имкони ортмоқда.

— Хизматнинг қандай турлари синаб кўрилди, сизнинг корхонангиз 500.000 абонентга нима тақлиф қила олади?

— Тошкент телекоммуникация тармоғи интеллектуал ва рақамли тармоқлар, Интернет ва жами 20 та бошқа хизмат турларини тақлиф қилади.

Масалан, агар ташкилот ёки офисда электрон станция телефонлари ўрнатилган бўлса, биз улар учун уч рақамдан иборат

1998-99 йиллардаги нисбатан абонентларнинг шаҳарларро ва халқаро сўзлашувлари 24 фоиз кўпайди. Шу давр мобайнида аҳолига 2,6 марта кўп хизмат кўрсатилди. Хозир улар умумий ҳажмининг 47,7 фоизидан ошмоқда.

Хизмат ҳажмининг ўсиши, асосан, янги хизмат турларини жорий этишни ривожлантириш ҳисобига амалга оширилди. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида бунга акционерлик жамиятига айланганмиз туфайли эришмоқдамиз. Бу шакл бизга мақбул молиявий сийсат олиб бериш имконини бермоқда. Хар бир йил учун бизда махсус молиявий дастур, аниқ бизнес-режа ишлаб чиқилади.

Жумладан бу йил абонент тармоғини ривожлантириш ва беш мингдан ортқ хонадонга телефонлар ўрнатиш ҳисобига қўшимча 13 миллион сўм даромад оламиз. Тақсофонлар тармоғини кенгайтириш эвазига эса яна 42 миллион сўм фойда кўра-миз.

Айтгандай, «Тошкент таксофони» акционерлик жамиятига муқоабил равишда ўз таксофон бўлиминини ташкил этдик.

Янги телефонлар ўрнатишдан катта даромад олиб бўлмайдми — тармоқ ҳажми 96 фоизга эгалланган, катта ҳажмдаги янги қурилиш эса стратегик инвестор билан боғлиқ. Шу боис ички имкониятлардан унумли фойдаланишга уринялмиз, бунинг ҳисобига қўшимча 100 миллион сўм даромад кўриш ниятдамыз.

Умуман олганда, бу йил хизматлар ҳажми 2000 йилга нисбатан 144 фоизи, шаҳарларро ва халқаро сўзлашувлари бўйича эса 180 фоизи ташкил этади. Уяли телефон компаниялари билан ҳамкорликдан тушадиган даромадлар ҳам ортади. Натижада 2001 йил давомида 13 миллиард сўмлик хизмат кўрсатилади.

— Саидқабар Абзамович, давлатимиз раҳбари аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга катта эътибор қаратиб келади. Сизнинг корхонангизда ходимларнинг ижтимоий муҳофазаси таъминланган, дейиш мумкинми?

— Ходимларни ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари хар йилги амалий тадбирларда ўз ифодасини топади. Бундан ташқари акция эгалари ўзларига тегишли дивидендларни олади, бизга хизмат сифати бўйича аниқ қўрсаткичлар учун рағбатлантириш чоралари белгиланган, чорак ва йиллик мукофотлар берилади, барча эҳтиёжмандларга моддий ёрдам кўрсатилади. Корхона ўз ходимларига санаторий ва дам олиш уйларига йўлнамалар беради, давонаниш харажатларини қоплайди. Узимизга қарашли соғломлаштириш зонамизда хар йили 1500 нафар бола дам олади.

Таълим асосан пуллик бўлган бозор шароитида корхонамизда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга кенг дастур ишлаб чиқилган. Домийи маляка ошириш, янги техникани ўзлаштириш, инглиз тили ўқувларидан ташқари кўпгина ходимларимизнинг фарзандларини олий ўқув юртлари ва коллежларда корхонамиз ҳисобидан таълим олмақда. Зарур ҳолларда ходимларимиз хорижда тажриба ўрганиб келишади.

Зоҳир ТОШХўЖАЕВ, УЗА муҳбири.

## Эътиборимизда бўлишсин

Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган семинар-кенгашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармонининг ижроси билан боғлиқ масалалар қараб чиқилди.

Семинар-кенгашда таъкидлангандек, ушбу Фармон ижтимоий турмушнинг барча қатламлари, аввало мамлакат суд-хуқуқ тизимини эркинлаштиришни янада чуқурлаштиришининг, жамият ва давлатнинг юксак инсонпарварлиги намунасидир. Ушбу Фармон қонунни бузган ва озоқдлик маҳрум этилган минглаб фуқароларга тадбиқ этилади. Шу жиҳатдан олиб қараганда хозир уларнинг нормал турмушга тезроқ қўниқилари, ишга жойлаштирилиши, бунёдкорлик билан машғул бўлишлари ва бундан бунён ҳеч вақт ана шундай хуқуқ бузилишлари ва жиноятларни содир этмасликларига муҳимдир. Ана шу борада озоқдликчи қилган шахсларга жойларда алоҳида эътибор қаратиш муҳимдир.

Хуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, меҳнат ва ижтимоий муҳофаза бўйича идоралар, соғлиқни сақлаш идоралари, жамоат ташкилотлари, маҳалла қўмиталари бундай фуқароларга уй-жой масалаларини ҳал қилиш, зарур ҳужжатларни расмийлаштириш, ишга жойлаштириш, бир сўз билан айтганда жамиятдаги нормал турмушга қайтишида уларни хар томонлама қўллаб-қувватлашлари керак.

Семинар-кенгаши Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Рихситилла Жўраев олиб борди.

(Ўз муҳбиримиз)

# Дунёни англамоқ мушкул

(Туркум)



● Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Темур Убайдулло ўзининг дилбар шеър ва дostonлари билан шеърият мухлислари қалбидан жой олган. Унинг адабиёт ва санъатимизнинг буюк даргалари тўғрисида ёзган мақолалари, улар билан олиб борган мурожаатлари мухлисларда доим қизиқиш уйғотиб келади.

Шоир ва журналист Темур Убайдуллонинг куйида қадрли «Оқшом» муштарийлари диққатига ҳавола этилаётган шеърларида ҳам ҳаёт фалсафаси, табиат манзаралари, инсон умрининг ҳар бир дақиқаси қадрли, она-Ватан мадҳи қаламга олинган. Келинг, азиз мухлислар, шеърий лаҳзаларнинг дилтортар онларига шерик бўлайлик.

## Буюк одам

Зонд бува деган мўйсафид бўларди,  
Жуда камтар эди, бечора.  
Лекин савфатасотмасди ортиқча,  
Вактини ўтказмасди бекорга.

Ўзидан кичикларга берарди салом,  
Севиб хурматларин инсонни.  
Сўзи ширин эди, зар нуруний эди,  
Ранжитмасди қимирлаган жонни.

Амал нималигини билмади ўлгунча,  
Далаю кетмон бўлди амали.  
Лекин шайни камалини бу билан,  
Қолмади обрўси ҳам амалии.

У казо этган кун тумонат йиғилди,  
Одам денгиздек мавжланиб ётди.  
Зонд бува бўлса покиза балликдек  
Шу уммон узра сузиб кетди...

Йиллар ўтиб, сал-пал шаштин кайтганда,  
Ўзар туйгуларим тинганда ҳибл,  
Буюк одам ҳақида суҳбат кетганда,  
Кўз олдимга келар ўша чол.

## Қизгалдоқлар

Кип-қизил бўлади кўкларда теварак,  
Томчи-томчи конми қизгалдоқлар.  
Майсалардан юрганда эҳтиёт бўлинг  
Замини авайланг, ўртоқлар.

Қизгалдоқларни гул деманг сира ҳам,  
Қизгалдоқлар — заминнинг ғраси.  
Биз эса улари бунча гўзал деб,  
Дада-дада қилиб терамиз.

Ҳар баҳор келганда дерди бир янгилиниб,  
Оловранг бўлади она Замин.  
У — она, ҳар яра бир азобнинг ўрни,  
Минг бўлади битта аламини.

Она ерни авайлаб, кўздек асрайлик,  
Бир кун увולי тутмасин.  
Хой-хой қурол ушлаган ўзар кимсалар,  
Қизгалдоқлар кўпайиб кетмасин.

## Дақиқалар

Дақиқалардан иборат экан умр  
Билмайсан, охишта ўтаверар экан.  
Дақиқалари зое кетган одамлар,  
Дод-вой қилиб туйтварар экан.

Картошка, помидор экиб дақиқамни,  
Бозорда қимматга сотиб ўтказдим.  
Гохда улфатлар билан отамлашиб,  
Юзта-юзта отиб ўтказдим.

Сайр ҳам қилдим юриб тоғма-тоғ,  
Оламни кўрдим деб ўтказдим.  
Бир гўзалга очдим севиб кенг кучоқ,  
Шарбат сўрдим деб ўтказдим.

Энди ўйлаб кўрсан энг зўр пайтларим,  
Бакуват дақиқам ўтиб кетибди.  
Афсус-афсус ахши сатрларини  
Хаволарга битиб кетибди.

Хавога ёзилганим, у хавоюйда,  
Нимани кутаман фалакдан?  
Энди дақиқаларимни ҳадис олинга,  
Сотиб ололмасдан ҳалакман.

## Ташвиш

Сира-сира ташвиш чекмасам дейман,  
Яшасам дейман шодумон.  
Ташвиш ҳақида шеър битмасам дейман,  
Тополмайман сира имкон.

Одатим галати: сира тиниб-тинчимасам,  
Туйилганамни ташвишни суюб?  
Агар кўшим чекса сал-пал зият,  
Оромимни йўқотаман куюб.

Емонлаша борми бировнинг соғлиги,  
Менда ҳам ҳаловат бўлмайди.  
У тазалиб, бир пилба чой ичмагунча  
Асти-асти кўнглим тўлмайди.

Одамлар келаверса дейман уйимга,  
Ҳоҳ кечкурун, ҳоҳ сахар олтнда.  
Мен хизматда бўлсам, чарчасамам,  
Обғим олти, қўлим еттида.

Ахир уллар бўлмасам мен нима қиламан,  
Одамларку кўша қанотим.  
Ташвишларга, майли, кўмилиб яшасам,  
Уларнинг ташвиши — менинг ҳаётим!

## Отанинг айтганлари

Не кунларни кўрмадик,  
сўзласам бир бошдан,  
Не савдолар тўшмади бу бошга,  
Лекин сира ҳам бўлмади, шукрона айтсам,  
Имонимиз бошқа, имконимиз бошқа.

Ниҳоят қадримизни билар кун келди,  
Умримизни янгидан бошладик.  
Ким қарши чикса содлик тумшугига,  
Пўстагини қоқиб ташдик.

Ҳаёт гўзал бўлди, узогимиз аякин,  
Энди уларимизни кўшга қараган.  
Бир пайтлар бепарво юрган одамлар,  
Бир-бирининг кунига яраган.

Емон кунлар яхши бўлди бу кун,  
Қўрдим нуру фалсафа тўлганини.  
Шунча яшадиму ҳеч кўрмадим лекин,  
Емон одамнинг ахши бўганини.

## Юлдузим

Дейдилар, ҳар кишининг ўз юлдузи бўлади,  
Юлдузим, сени доим тўшларидида кўрадим.  
Тунлари кўкка боксам, миллион юлдуз  
қулади,  
Кайси бирингиз менинг юлдузим  
деб сўрардим.

Улгайганда бир қиррангини забт этдим,  
юлдузим,  
Бу қиррангининг номини атадим мен  
муҳаббат,

Иккинчи қиррангини ҳам илғади  
Бир кун кўзим,  
Ушбу ҳикматнинг номи  
шеърият деган неъмат.

Яна бир қирранг эрур иймону эътиқодим,  
Муқаддас мерос бўлиб ажодларимдан  
қолган.  
Емонлиқка яхшилик қилган умри ободим,  
Отанинг юрагига мангуликка жой олган.

Яна бир қирранг эса кўзим қорачиғига,  
Жо бўлган фарзандларим-иқболим,  
истиқболим.  
Яна бир қирранг эса дўстларини кўшиғимда,  
Улар бўлмасам билмам не кечар эди ҳолим.

Яна бир қирранг борки менга асло тутказма,  
Бу қиррангга етган кун паймонлар тўлади.  
Қўлим оттудек бўлса кўларимни етказма,  
Бу қирранг агар билсанг  
менинг умрим бўлади.

## Бир сўз

Мен сенга бир сўзи айтмадим,  
Тилимнинг учинидада турган,  
Дилимда қайнаб мавж турган,  
Муқаддас сир сўзи айтмадим.

Уни баҳорларга ёздим мен,  
Осмоғларга ёздим мен уни,  
Оппоқ қорларга ёздим мен,  
Мезонларга ёздим мен уни.

Мен сенга бир сўзи айтмадим,  
Сен бир умр интиқиб кутган,  
Айтсаиди деб умидлар тутган,  
Муқаддас сир сўзи айтмадим.

Уни қозғоларга ёздим мен,  
Тоғ-тошларга ёздим мен уни,  
Уни ёзларга ёздим мен,  
Кўз ёшларга ёздим мен уни.

Мен сенга бир сўзи айтмадим,  
Соҳларинга инса ҳамки оқ,  
Айтади деб кутганнинг бирок,  
Муқаддас сир сўзи айтмадим.

Уни бошоқларга ёздим мен,  
Боламга ёздим мен уни,  
Уни кўшларга ёздим мен,  
Оламга ёздим мен уни.

Мен сенга бир сўзи айтмадим,  
Айтолмадим, айтмай ўтарман.  
Ўзим билан олиб кетарман,  
Муқаддас сир сўзи айтмадим.

Уни орзуларга ёздим мен,  
Изи-орига ёздим мен уни,  
Уни қайгуларга ёздим мен,  
Майи нобга ёздим мен уни.

Нигоҳингда жиңдек ҳасрат-ғам,  
Юзларингда мунгинг ислари.  
Дардларингда тополмай малҳам,  
Қабрим сари келган кезларинг.

Ўша сўзи ўқийсан эркам,  
Мен уни сабримга ёзман,  
Такрор-такрор ўқи, маҳбубам,  
Мен уни қабримга ёзман:

Мен сени севаман.

## Изҳори дил

Ўзбекман, Ватаним - дийрим шунда,  
Фарзандинг эрурман — қарорим шунда.  
Бухорий, Наҳшбанд, Термизий юрти,  
Иймон, эътиқодим, ширим шунда.

Душманга эрк бермай ўтган авлодим,  
Тўғрилик, Қувонгон — дилдорим шунда.  
Сўтгон Жалолиддин аталган йўбарс,  
Рустаму достоним, бедорим шунда.

Соҳибқирон изин ҳар боға ўргум,  
Қувватим чашмаси шарорим шунда.  
Навий берадур эзуглик дарсин,  
Мангуға барҳаёт ашъорим шунда.

Тилимга сўз берган, кўларимга нур,  
Қўшиим — тупроғим, гулëрим шунда.  
Йироқда бир нафас яшшим мушкул,  
Дўсту бир, акраб, ингорим шунда,  
Кўз тикса кимданим бад ният ила,  
Ўйласин: ажалим ва дорим шунда.  
Мен сендан айрилиб қайга борурман,  
Бағринга ўларман, мазорим шунда.

Дунёни англамоқ мушкул  
Бирова-бу ҳаёт миңдирибди тулпор,  
Бировнинг бўйида эса кашкул.  
Пасту баландини фарқласанг агар,  
Бу дунёни англамоқ мушкул.

Отинг жиловин торт  
мўйсафидларни кўрсанг,  
Эъзоз билан эгардан тушгил,  
Йўқса мўйсафид, миллион ёшга қирган,  
Бу дунёни англамоқ мушкул.

Лоқайдликка бўлма бир лаҳза ҳам дучор,  
Хаммиса қайнаб тош, жўшгил,  
Агарда бўлмасанг шиддатли, забтқор,  
Бу дунёни англамоқ мушкул.


Пойингда бўлади ганим зоти доим,  
Бир кўлингни оч, бирини мушт қил,  
Бўлсанг барчага баробар ва мулойим,  
Бу дунёни англамоқ мушкул.

Яхшиликдан бўлсин ҳар дам бағрингда ёз,  
Емонлиқнинг умрини қил қил.  
Бўлсанг агар бефарқ, лоқайд, дамсос,  
Бу дунёни англамоқ мушкул.

Хозир зап навқирон азамат пайтингда,  
Яшамокка шош, яратшига шошгил,  
Агар тирик мурда бўлсанг, айтман,  
Бу дунёни англамоқ мушкул,  
Темур УБАЙДУЛЛО

Ҳар бир аёлдан «Сиз учун дунёдаги энг азиз ва энг ширин нарсани нима деб сўрасангиз, албатта улардан ҳеч иккиланмай «Фарзандим», деган жавобни эшитасиз.

# Меҳр риштаси



Аёл оналик бахтини қанчалик интизорлик билан кутини ва бу кутининг кечинмаларини ҳатто аёлларнинг ўзлари ҳам сўз билан таъриф эта олмайдилар. Аёллар хатти-ҳаракатига эътибор берилса, улар ҳали турмушга чиқмасдан туриб ҳам фарзанд ҳақида ўйлайдилар, ҳатто фарзандига қандай исми қўйиш-у қандай қийинтириш, унинг қайси соҳа эгаси бўлиши ҳақида ҳаёл қиладилар. Яъни, ҳар бир аёл руҳий жиҳатдан оналик истагини намойён этади. Ҳомилдор аёлда фарзанди учун эмоционал ташвишланishi ҳолати кучаяди. Бу ташвиш бир томондан фарзандини соғлом ривожлантириш учун бўлса, иккинчи томондан унинг қиёфасини тезроқ кўриш истагида намойён бўлади.

Шу боисдан ҳомилдорликнинг илк кунларидаёқ фарзанднинг соғлом ривожланиши учун чора-тадбирларни кўрадилар. Она ўзини эҳтиёт қила бошлади, ички бир ҳолатда фарзандини севиб, суюб эрқалайди. Она ва бола ўртасида сўзсиз мулоқот бошланади. Яъни, она оғир ишлардан ўзини сақлабди, баъзан туғилажак фарзандни кўз олдига келтириб, ширин хабар билан жилмайди. Албатта бу ҳаракатларнинг таълим

## Экспертларга манзур

«Электрон нашр». Эндилликда бу ибора ўқув юртларида тез-тез тилга олинадиган бўлиб қолди.

Электрон нашринг ўзи нима? Уни босмага тайёрлаш жараёнари қандай кечади? Бу ҳақида маълумот беришни қўлланма ҳам юзга қелди.

Бундай илмий-техникавий изланиш Ўзбекистон Миллий университети ҳузуриндаги академик лицейда амалга оширилгани айниқса эътиборлидир. Бу ўқув юртида рангли иллюстрацияга эга, дизайн талаблариға жавоб беришни жадаллар ҳам тайёрланди.

Инглиз тилини ўрганишда грамматик таҳлил орқали ўзбекчага синхрон таржима қилишга доир алоҳида ўқув дастури устида ҳам самарали изланиш амалга оширилди.

Бу каби ижодкорлик ишлари Осмёт тараққиёт банки томонидан ташкил этилган анжуманда қатнашган халқаро экспертлар ижобий баҳосига сазовор бўлди.

Акбар АЛИЕВ

## Катта иштиёқ

Физика фани умумтаълим мактабларида ўқитилаётган муҳим предметлардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги буни инобатга олиб «Умумтаълим мактабларида физика фани ўқитилишининг самарадорлигини ошириш тўғрисида» махсус буйруқ чиқарди.

Ушбу ҳужжат асосида қатор зарур таълимий тадбирлар режаси ҳам белгилаб олинди. Физикадан амалий машғуллотлар самарадорлигини ошириш бўйича йўриқнома тайёрлашга киришилди.

Физика дарси амалий машғуллотларини олиб боришнинг замонавий усулларини ўқув жараёнига татбиқ этиш долзарб вазифалардан бири деб белгиланди. Шу мақсадда янги ўқув дастури бўйича плакат ва планшет, видеолаҳзалар тайёрлаш муҳим деб топилди.

Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий текшириш институти эса «Физикадан масалалар тўплами», физикавий катталар билан бирлиги тўғрисида «Мазъумотнома» ҳамда аталар лугатини тузиш билан шуғуллаяди. Компьютер қурilmаларидан фойдаланган ҳолда физика дарсини ўтиш режа дастури ҳам тайёрланади.

Тошкент шаҳрининг ўзида янги ўқув йиғида физика бўйича таълим мактабларини очиб кўзда тутилган.

Азиз ВАЛИЕВ

## АКСЕЛС дастури доирасида

Халқаро таълим бўйича Америка Кенгаши АКСЕЛС таълимоти очиб танловларга асосланган дастурларни ҳам тақдим этмоқда. Ўзбекистон умумтаълим мактабларининг инглиз тили ва америкашунослик ўқитувчилари учун ўқитишда аълочилик мукофоти дастури ҳам муваффақият-ил амалга оширилмоқда.

барчаси ҳали она организмда турган болага ижобий таъсир кўрсатади.

Гинекологларнинг таъкидлашича, тўлғоқ вақтида она қанчалик азобланса, фарзанд ҳам шунчалик оғрикни ҳис этар экан. Яъни, она ўз организмдан болани ажратиш қанчалик қийин бўлса, боланинг ҳам она организмдан ажралиши шунчалик қийин бўлади. Бирок она ва бола бир-биридан жисмонан ажралиш ҳолатини кечиради. Айнан шу айрилиқни сезиш она учун ҳам, бола учун ҳам меҳр-муҳаббат риштасини янада қаттиқроқ боғлайди.

Оналаримизнинг фикрича, бола туғилиши билан она уни бағрига босганда барча оғрикларини унутар экан.

Худди шунингдек эътибор берсак, бола йиғлаб турганда у она бағрига кириши билан тинчланади. Она кўрагини қидира бошлайди. Гарчанд, бу боладаги табиий инстинктив жараёнларнинг кечishi бўлсада, ҳар қолда бола ўз онасининг бағрини ҳис эта олади. Бола дунёга келиб ўз онасининг ёқимли овозини эшитиши билан, сўзи мулоқот бошланади. Бола доимо онасининг эрқалашларини, суйиб айтган яхши гапларини қулоқлари остида жаранглашидан ором олади.

Янги туғилган боланинг жисмонан ва руҳан соғлом, тетик ўсиши ва ривожланиши албатта онанинг ўз фарзандининг тарбиясига қанчалик масъулият билан ёндошувиға боғлиқ. Онанинг болага нисбатан меҳри қанчалик кучли бўлса, фарзанд ҳам ўз онасига нисбатан шунчалик кучли боғланади. Бунини албатта бўлажак оналар фақатгина қоида сифатида билиши эмас, балки уни чин дилдан, юракдан ҳис этишлари лозим.

**Райно ИСМОИЛОВА,**  
психология фанлари номзоди.

## Махсус грант

Янги ўқув йилида Тошкент тўқимачилик ва енгил санаят институтининг ўқув-моддий неғизи янада мустаҳкамланади.

«Бухгалтерлик ҳисоби ва аудит», «Материал-алшунослик ва тўқимачилик материаллари сифатини бошқариш» деган янги йўналишда мутахассислар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди. Шунингдек, олий ўқув юртида тўқимачилик санаяти менежменти ва технологияси мутахассисларини ўқитишга киришилади.

Бундай таълимий жараёнларни рўйбег чикариш мақсадида Европа Иттифоқи халқаро ТА-СИС дастури доирасида махсус грант ажратди. 365 минг эку ҳамда 20.400 АҚШ доллари миқёсидаги бу маблағ миқёсидаги бу маблағ ширкисидан янги икти-сосликлар бўйича машғуллотлар олиб бориш учун қўллаб ўқув жиҳозлари олинди.

Шунингдек, грант маблағи олий ўқув юрти ҳузуринда академик лицей эҳтиёжи учун ҳам сарфланади.

Аъло АХМЕДОВ

## Бекорга оқма

Қатта ариқнинг суви бешик-бешик тўлқин билан шўхланиб оқаркан, ёнидаги кичик ариқ сувиға:  
— Мунча имиллайсан, овозинг ҳам

чиқмайди? — дебди кирғоққа урилиб.  
— Ниҳолларни сувга қондириб, шўшмай оқайман. Сенга ўхшаб бекордан-бекорга шовқин солиб оқишдан нима фойда?! — дебди кичик ариқча суви вазмин оқангда.

## Дарахт ва ер

Дарахт улғайиб ҳосилга кирди. Атрофида тирик жон борки, унга гиргиттон. Мақтовлар эвзига хиёл димоғланаб:  
— Менгиз хунук дашт эдинг. На баҳор баҳорлигини қиларди. Қуз қузнинг... Фасл-

ларнинг чиройини ўзим кўз-кўз қиялпаман, — деб қолди Ерга.  
— Шунчалик бўлганганда пойингда туну кун сенга бераётган меҳримни унутдингми? Фақат кўкка эмас, мулоҳаза билан пойингга ҳам боқини унутма, — деди Ер.

Фани АБДУЛЛАЕВ

Шарқ дурдоналари

**Оз-оз ўтганин**  
Домо бўлур...

ЎЛГИЗ ЎТИРИШ СИРИ...

Ўтмишдошлар Куръони Каримдаги: «Унзур ила осори раҳмати роббика кайфа йахйал арза баъда мавтиха» («Сен Парвардигорингни меҳрибонлик ишларига қарагинки, у қандай қилиб ўлган ерни яна тирилтирдим») оятининг фармони бўйича саёҳатга чиқишар, қишдан сўнг ухлаётган ердан қандай ажойиб-ботлар уни чиқисини томоша қилишар экан. Отам ҳам саёҳатга чиқанимизда бу оятни кўп такрорлар эдилар.

Отадан қолган одат сифатида бир гуруҳ дўстлар анча йиллар олдин ўзган сафарига отландиқ. Абдулҳай акам: «Тошкентда сикилиб қолган бўлсангиз керак, бир айлантриб келаман», — деб қолдилар. Соат ўн бирларда ўзганга етиб келиб, Қилич Бурхонуддин Азизнинг қабрини зиёрат қилдик ва бозорга ўтидик. Бозор ичидаги чойхонада Марҳаматдан келиб қолган бир ҳамюртимиз чойхоначи бўлиб ишларди. У ўрнида йўқ бўлиб, бизни танимайдиган кичик ўғилча ишлаб турган экан. Баланд дараклар остига ўрнатилган барча сўрилар бозорчилар билан банд эди. Четроқда фақат битта катта сўри бўш бўлиб, унда бир оқсоқол киши ёлғиз ўтирарди.

**Унда ўтирарди ёлғиз оқсоқол,  
Соқоли оппоғу фаршита мисол.  
Уни кўриб ҳурмат уйғонди дилда,  
Улуғ авлиё деб айлади ҳаёл.**

Бошқа бўш жой бўлмагани учун чолнинг олдиға таъзиму тавозеъ билан бориб, ўтиришға руҳсат сўрадик. Чой, нон, асал, узум, қанд-қурсларни дастурхонға тузадик. Оқсоқол биз билан баҳузур овқатланишға тушди. Орадани бир-икки пиёла чой айланган, оқсоқол бир биродаримизға юзланиб:  
— Сен намоз ўқийсанми? — деб сўради.  
— Ха, — деди биродаримиз.  
— Рўза тутасанми? — деб сўради яна.  
— Ха, — деди биродаримиз.

Шундан сўнг оқсоқол Фатхуллага Маҳсумга, ундан кейин Абдулҳай акамға шу саволларни берди. Улардан ҳам «ха» жавобини олган, шу саволларни менга ҳам берди.

**Оқсоқол синарди ҳар биримизни,  
Намозу рўзуда тадбиримизни,  
Йўқ десак, уришиб қўймоқчимиз,  
Билмоқчи бўларми ё сиримизни.**

Мен оқсоқолга:  
— Сизни бу ерга ўтқириб қўйиб, одамларнинг намоз ўқиси ва рўза тутушини текширасан, дейишганми? — дедим.

Оқсоқол жавоб бермади. Сал ўтмай, яна биродаримизға қараб:  
— Қаердан келгансизлар? — деб сўради.  
— Марҳаматдан, — деб жавоб берди биродаримиз.

— Нима мақсадда келдинглар? — деди оқсоқол. Биродаримиз содда эмасми, саёҳатга келдик, дейиш ўрниға, Қилич Бурхонуддиннинг зиёратига келдик, деди.

Оқсоқол:  
— Шунча йўл босиб, зиёратга келдингларми? Уйда Куръон ўқиб қўйса ҳам бўлаверади. Хали ўқиган Куръондан ўлиққа фойда борми-йўқми, ким билади, — деди.

Мен оқсоқолға:  
— Бундан минг йил аввал Хоразмда мўътазила деган маъраб тарқалган эди. Унинг тарафдорлари қабр азоби йўқ, ҳисоб-китоб йўқ, руҳларнинг қўлидан ҳеч иш келмайди, қилинган ҳайру эхсон ва ўқилган Куръондан ўлиққа наф теғмайди, авлиғилик ёлғон, деб даъво қилганлар. Хоразмшох бу тоифани қириб ташлаган эди. Минг йилдан сўнг уларнинг қолдиқлари ўзгандан чиқиб қолганиға ҳайронман, — дедим.

Оқсоқол тез дуо қилди-ю, туриб, жунаб қолди.  
— Унга бекор қаттиқ теғдингиз, — деди акам. Биродаримиз:  
— У кўнглида кири йўқ, оқсоқол одам эди, бекорға хафа қилдиларингиз, эҳтимол бирорта авлиё ёки Хизр бўлиши ҳам мумкин, — деб қолди.

**Хурматга лойиқдир оқсоқол киши,  
Йўла**

